



Газета 1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.




Жалқ Сўзи

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

23 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА № 185 (436).
1992 йил
Сотувда эркин нархда

КЕЧА РЕСПУБЛИКАМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА ИСПАНИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИСИ ЭУХЕНИО БРЕГОЛАТ И ОБИОЛС ИШОНЧ ЁРЛИҒИНИ ТОПШИРДИ



СУРАТДА: Ишонч ёрлиғини топшириш маросими. В. МИЛЕНЬКИЙ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дипломатия алоқаларининг ўзига хос тарихи борлиги ва ўзини қиролликнинг Темур салтанатидаги элчиси Клавихонинг издоши деб билишни айтди. Дипломатия алоқалари ўрнатилиши Испания ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни тубдан янгилайди, деб умид билдириди.

Ислом Каримов Эухенио Бреголат И Обиолс жанобларининг тарихни чуқур билишидан мамнуният изҳор қилди. Ўзбекистон ва Испания ўртасидаги ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик қилиш учун барча имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирини У. Абдуразоқов хозир бўлди.

(УзА).

ИСПАНИЯ ҚИРОЛЛИГИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ

ЭУХЕНИО БРЕГОЛАТ И ОБИОЛС



1943 йил 26 январда Седе Ухелда (Лерида) туғилган. Барселона университетини тугатган, ҳуқуқшунослик лиценцианти.

1971 йили — дипломатия вазифасида ишлаш бошлаган.

1974 — 1978 йиллар — Испаниянинг Совет Иттифоқидаги савдо ваколатхона-

сининг савдо маслаҳатчиси, Испаниянинг Москвадаги элчихонасининг биринчи котиби.

1978 — 1982 йиллар — Адольфо Суарес ва Леопольдо Кальво Сотело ҳукумати раиси маҳкамасининг халқаро департаменти бошлиғи.

1982 — 1987 йиллар — Испаниянинг Индонезиядаги элчиси.

1987 — 1991 йиллар — Испаниянинг Хитой Халқ Республикасидаги элчиси.

1991 — 1992 йиллар — Испаниянинг Канададаги элчиси.

1992 йил февраль ойидан бошлаб — Испаниянинг Россия Федерациясидаги элчиси.

1992 йил апрель ойидан бошлаб — Испания қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги ўриндошлик бўйича фавқулодда ва мухтор элчиси.

Оилали, битта ўғли бор. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги

ҲУҚУҚ ВА ИШБИЛАРМОНЛИК

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕС ЮЗАСИДАН БИРИНЧИ ЎЗБЕК-ЕВРОПА-АМЕРИКА АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ. ГАРБДАГИ ИРИК МУТАХАССИСЛАР, РЕСПУБЛИКАМИЗ ОЛИМЛАРИ УЧ КҮН ДАВОМИДА ЭРКИН БОЗОРНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ, УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН ТАЖРИБАЛАРНИ ЎРГАНДИЛАР ВА ФИКРЛАШДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Б. И. Бугров анжуман қатнашчилари ҳузурида сўзлаган нутқида бу зарур ва ўз вақтида ўтказилаётган учрашув ташкилотчилари ва ҳомийларига миннатдорчилик билдириб, симпозиум республикада иқтисодий ҳуқуқ муассасалари вужудга келишини тезлаштиришни, савдо операцияларини ўтказишда, халқаро меъёрларга мувофиқ равишда амалий алоқаларни йўлга қўйишда ёрдам беришни таъкидлади.

Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси Генри Линн Кларк мустақил Ўзбекистонда эркин бозорни ривож-

лантиришга кўмаклашишга Америка томони таяёрлигини айтди. У республикада иқтисодий тангликни баргараф этишнинг мақбул йўллари ҳусусида ўз фикрини баён қилди.

Симпозиумда қатнашаётган америкаликлар номидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан Президент И. Каримовга алоҳида табрик ўқиб эшиттирилди.

Анжуманнинг уч кунлик иш режаси жуда тизмиз эди. Мустақиллик шариҳида миллий иқтисодийни янгилаш ва ривожлантириш, халқаро ҳамкорлик ва қонун, бизнес ва иқтисодий муаммолар, солиқ солш ва

пул билан таъминлаш каби мавзулар, шунингдек республикада жажон эркин бозорига қўйилиши чоғида ҳал этиши лозим бўлган бошқа кўпгина масалалар муҳокама қилинди.

Тошкент молия институтининг, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг, республика Фанлар академияси, «Туркистон-консулт» маркази ва бошқа муассасалар анжуман ташкилотчилари ва ҳомийлари бўлдилар. Симпозиум қатнашчиларининг фикрича, унинг муваффақиятли ўтишига «Ист-вест инновэйшн, инк» фирмаси катта ҳисса қўлди.

(УзА).

ЯККАБОҒ районидagi «Хисор» давлат хўжалиги ҳудудида Чиллабулоқ номли жой бор. Тошми ёриб, қайнаб чиқаётган булоқ сувининг шифобахлиги билан ажралиб туради. Узоқ-кин қишлоқларнинг аҳолиси ундан фойдаланиб, турли даражадаги бундан шифо топмишган.

ТРУСКАВЕЦ СУВИДАН ҲАМ ШИФОБАХШ

Шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари вилоят иттифоқи ушбу булоқ сувидан намуналар олиб, Семашко номидаги курортология ва физиотерапия олий илмгоҳига юборган эди. У ерда Чиллабулоқ сувининг таркиби ма-

шифобахш сув сотувга чиқарилмақда.

Ташаббускорлар буйрак, ичак-ошқозон хасталикларидан фойда бўлиш истагида юрган кишилар учун 50 ўринли дам олиш уйи бунёд этиш тарафдоридалар.

П. ГАДОВЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

УРТОҚ О. Ж. ИСМОИЛОВНИ «ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИНING РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Уртоқ Олимжон Жўраевич Исмоилов «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг раиси этиб тайинланган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 22 сентябр.



Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз метислов ва тараққийёт йўли» китобида «...аҳолининг турмуш даражаси кинилоқ аҳолининг фаровонлигига, уларнинг меҳнат шижоатига боғлиқ. Деҳқон тўқ бўлса, бутун республика ҳам бадавлат бўлади» деган жонз фикрлар мавжуд. Дарҳақиқат, деҳқоннинг қорни тўймайса, дастурхонимизга та-

риб бўлиши табиий. Яхшиямки, кейинги пайтларда ҳазрат деҳқонга ишлаш ва яхши яшаш учун бир қадар шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Шу бонс бутун республикамиз далаларида суратда кўриб турганингиздек жўшқин меҳнат силсиласи ҳукмрон. Зафаробод райони

Беруини давлат хўжалигида олинган бу манзарани республика халқ хўжалигининг барча жабҳаларида куриштириш мумкин. Кўз қувониқ, дил яйрайдиган бундай ҳолатлар олдими, кўпаяверсин.

Ш. ИВРОҲИМОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН Ватанчим манчим

«ХАЛҚ СЎЗИ» МУХБИРЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ХАБАРЛАРИДАН

ХОРИЖГА ҲАМ ҚЎЛЛАРИ ЕТАДИ

Ўзбекистон Миллий банкнинг вилоятларида филиаллари бештага етди.

САМАРҚАНД нафақат кўхна тарихий обидалар шаҳри, балки йirik саноат корхоналари, савдо марказлари билан ҳам жаҳонга танилган. Шу бонс бу ерда Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки филиалининг очилиши табиий ҳолдир. Энди банкнинг кўп сонли миқозлари Самарқандда туриб хорижий инвесторлар билан алоқа қилаверадилар. Одамлар ҳам пул ва валюта алмаштириш учун жумҳурият пойтахтига бориб юрмайдилар.

МАКТАБ БОЛАЛАРИНИНГ СИГИРЛАРИ

Эллаганга ёрдамчи хўжалик фойданинг қони

НАВОИЙ туманидаги Ал-Хоразмий номли ўрта мактабнинг биологичи ўқитувчиси Б. Шарофов ташаббуси билан ташкил этилган ёрдамчи хўжалик кутилганидан ҳам фойдали чиқиб қолди. Бу ерда боқилатган сиғирлар сутта киргач, мактаб ўқувчиларининг нонушталарига барака қўнди.

Ёрдамчи хўжаликни ёқтириб қолган мактаб болалари чорвачилиқдан ташқари деҳқончиликни ҳам дурустгина эллагаяпти. Улар 18 таноб ерда бўғдой етиштириб, 40 центнердан ҳосил кўтаришди. Фақат буларнинг ўқишга зарари тегишдиган эҳтиёт бўлиш керак.

ОЛЛОҲ БЕРГАНГА БЕРАДИ

Ғазнага пул тушиб турса, аҳолининг рўзғори бут бўлиб бораверади.

УСМОН ЮСУПОВ туманидаги «Денов» давлат хўжалиги аҳолини амалда иқтисодий ҳимоялайпти. Чунончи, уй қуриб олишлари учун 270 таноб ер ажратди, қишлоқларни газлаштирмоқда, ўқитувчи, шифофор, милиция ходимлари ва хўжалик ишчиларига ўзлари яшаб турган уйлари билан бепул хатлаб берайти.

Бу қўлайликларнинг ҳаммаси даромад эвазига бўлапти. Хўжаликда сутти қайта ишлайдиган корхона, мевани қуритадиган цех, консерва заводи ишлаб турибди. Маҳсулотлар пулга айланб, хўжалик ғазнасига миллион сўмлаб даромад тушмоқда.

ЮЗ ЭЛИК ЁШЛИ МАҲАЛЛА

Самарқанднинг кўхна шаҳар қисмидаги «Шарк» маҳалласини Америкада ҳам яхши билишди.

ГАП шунданки, асосан Бухоро аҳудийлари яшайдиган бу маҳалла аҳолисининг бир қисми бир вақтлар Америкага кўчиб кетган эди. Ҳозир кўхна маҳалланинг 150 йилгичини янгилаш тарафлари бошлаб юборилди. Самарқанддаги Бухоро аҳудийлари маркази бу ишга бош-қош. Маҳалланинг ўтмиши ва бугунги ҳаёти аниқ этган суратлар учун танлов эълон қилиниб, совринлар белгиланди.

Юбилей юртдошлар дўстлиги ва тотувлиги байрамига айлангани кутилмоқда.

ТИЖОРАТ: ДАЛА—ЦЕХ—ХАРИДОР

Гуран туманидаги «Вазир» жамоа хўжалиги аъзолари исроф барака душманни эканлигини амалда кўрсатмоқдалар.

ХЎЖАЛИКНИНГ дала ва болғарида етиштирилаётган бодир, помидор, олма, олча, ўрик ҳосиллари тўғри цехга келтирилиб, консервага айлантирилмоқда. Бу йил уч миллион шартли банка консерва тайёрлаш имкони бор. Ҳозир Россия, Украина ва Белоруссия бу ноз-неъматларга кўз тикиб туришибди. Хоразмликлар бу маҳсулотлар ўрнига қурлиш ашёлари, қишлоқ хўжалик техникаси ва рўзгор буюмлари олишмоқчи.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАГА

Махсулот сифатли бўлса Америка долларида ҳам сотиб оладиганлар топилди.

И. ОХУНБОВЕВ номидаги Кўзон тивувчиллик фабрикасида тайёрланаётган кўйлақлар хорижий корхоналаридан қилишайдиган бўлиб қолди. Шу далада бўлиб фабрика кўйлақларини хорижий кўрғазмаларда кўз-кўз қилиш тақдирини кўришди. Шу йил октябрь ойида Бирлашган Араб Амирликларидаги Шаркия шаҳрида очилмаган халқаро кўрғазмага 20 мингга кўйлақ жуғатилди ва улар америка долларига сотилди. Тушган пул корхона ҳамда унинг жамоаси эҳтиёжларига сарфланади.

ТЕКНИХЎРЛИК ЗИНАЛАРИДАН ҚАМОҶХОНАГА

Канадалар хайрон — биринчи дўнонда синарет йўқ, аммо тижоратчи ва чайқовчиларга топилди. Бу қандай тилсин?

АСЛИДА бунинг ҳеч қандай сир-сириноти йўқ. Масалан, Бухоро шаҳрининг Файзулла Хўжаев туманида 47-дўкон сотувчиси Э. Жўраев беш минг кўгидан кўброқ «Родон» синаретини 2524-автомобилга хайдовчиси А. Тошевга орда эшикдан пуллади. Кейин бу синаретчи Ф. Давлатов исми шахс кўлига ўтди. Хуллас, канадада етиб келгувча синаретнинг нархи уч марта сайради.

Бошқа дўконлардаги сотувчилар бундай янгича тижорат усулларида беҳабар, деб ким айта олади.

АЖАЛ ДАРАЛАРИ

Бу йил Ўзбекистон ҳудудида 3120 гектар кўкнор эканлиги аниқланиб, 150 таноб кўкнорнор йўқ қилиб ташланди. Лекин...

НОВУДАРОЗ, Қудуқсой, Моинс, Султонали дараларида ўнлаб таноб кўкнор майдонлари йўқ қилинибди. Аммо эгалари ким эканлиги номаълумлигига қарамайди. Банглар фондасининг фойдаланиб болийн орттиратган «оқ ажал» фурушлар ўзларининг юрак қилмишларидан воз кетмоқчи эмас кўринадилар. Ажа ҳолда кўкнор майдонлари қисқариш ўрнига кенгайиб бормасди.

Дароқе, жойларда вилоят ва туман ҳокимликлари бу иқтисодий иллатга қарини куришга киринмас эканлар, ҳамма оғирлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш ҳодимлари зиммасига тушаверади. Ажал уруғи эса амал олиб бораверади.

Мутлоа

ХИХ аср бошларида Шимолий Афғонистондаги Вахд, Қуиду, Шибиргон, Андиқўй, Майма, Сагиргу, Аҳча каби кичик ҳокимиятлар Бухоро амирлигида ҳоким бўлишди. Бу ерда ва уларнинг атрофида асосан ўзбеклар яшаган ва улар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидagi ўзбеклар билан ўзаро бор-бордир. Садо-сотида, қуда-алдачилик қилиб турганлар. ХИХ аср 90-йилларида биргина Қобулда 2,5 миң ўзбек олмас яшаган.

Хайитбев Ш. А., Собиров Н. С., Лейга А. С., «Хориждаги ўзбеклар» Тошкент. «Фан» нашриёти, 1992 йил.

Кўпгина ўзбек савдогарлари ҳам сафарига юрган пайтларида аср бошларидаги Россия иқтисодиёти, ҳокимиятининг рус миллатига мансуб бўлмаган аҳолининг фронт ортиси мардикорлик ишларига жалб қилиш ҳақидаги фармони, Февраль инқилоби воқеалари ва Октябрь тўғрисидаги ҳақиқат хабарларини эшитиб, ушбу алғов-далғов замонда хорижий мамлакатларда бутунлай қолиб кетишни афзал қўришган.

Шулар ҳокимияти томонидан маҳаллий раҳбар ҳокимларга, аҳолига нисбатан юриятидан нотўғри сиёсат, улар рус давлатчилиги ва миллатчилик сибастидан норози бўлиб чиқиб кетган кишилар ҳам кўп бўлган. Бухоро жумҳурияти Марказий иқтисодиёт қўмитаси раиси Усмоновжа Пулатхўжаев, миллий қўшиннинг биринчи қўмондони М. Қўлмухаммедов, ҳарбий вакил А. Орипов каби кўпгина кишилар шулар жумласидандир.

Маҳаллий миллат вакиллари томонидан тузилган қонуний ҳукумат «Кўзон мухторияти» бошқариш органлари билан қонга белангач, унга ҳайрихоҳ бўлган ҳаёт қолганларнинг кўпчилиги ҳам ўз юртини тарк этган.

Китобда жуда тўғри таъкидланганидек, Туркистонда бошқаришнинг айби билан вужудга келтирилган ўзига хос уч ҳокимиятчилик: Туркистон Марказий иқтисодиёт қўмитаси, Ленин томонидан юборилган Туркомиссия (1919 йил 8 октябрь) ҳамда маҳаллий миллат вакиллари билан шартлашувчи «Муслимон бюроси» ўртасидаги иқтисодий, кўпгина кишиларнинг тушуниб-тушунамай турли оқимлар, исёончилар гуруҳига қўшилиб кетишига ва оқибат хорижага кетишига мажбур қилди.

Мухожиротдаги ватандошларимизнинг фарзандлари, кейинги авлодлари Ўзбекистонга она юртга қайтиб келишди.

даврида маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олмаслик, ноқонуний қўлоқ қилиш сиёсати, қўриқтириш, 30-йилларнинг бошларида 13 миллион деҳқон ҳаётини олиб кетган дахшатли ҳаққатчилик, 1932 йил 7 августдаги «Социалистик мулкни ҳимоя қилиш» қонуни таъйиндан бериб ҳам хорижага кетишни афзал қўришган.

Ватандошларимизнинг бирга олиб кетган гўдакларини ҳозирда уларгайи катта одамлар бўлиб етишган. Бугунги кунда улар билан дўстона, нардошлик муносабатларини ўрнатиб зарурлигини муаллифлар ҳар жиҳатдан асослайдилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида минглаб ўзбеклар асирга тушганлар. Уруш тугагандан сўнг Ўзбекистонга қайтиш орузи уларни тарк этмаган бўлса-да, лекин Сталин томонидан чиқарилган 270-буйруқ темир тўсиқ бўлган.

Хорижага бориб қолган ватандошларимизга нисбатан ҳозирга қайтиш, ур-йиқитлар

Хориждаги ватандошларимиз орасида билимдон олимлар, журналистлар, ёзувчи, шoir, расом ва қўшиқчи-лар ҳам бор. Улар Туркия, АҚШ, Олмония, Саудия Арабистони, Афғонистон каби мамлакатларда ўз уюшмалари, газети ва бюллетенларига ҳам эга.

Шулар дардида қатагон қилиниб, унутилган ёмон отликда чиқарилган Абдуҳамид Чўлпон иқтисодиёт, таъдиқ этиб, докторлик даражасига етишди ва унинг асарлари ҳозирги чўлпоншуносликда катта ўрнига эгадир.

Китобда ватандошларимизнинг миллий урф-одатларимизни, ўзбек тилимизни яқин сақлаб қолганлиги кўп-лаб мисоллар орқали очиб берилган.

Улар ўзларини Ўзбекистондан келиб қолганликлари ёки Ўзбекистонлик ўзбеклар авлоди эканликларини билдириш мақсадида ўз исми-фамилиларидан сўнг «қўш» алоҳидлик билан «Ўзбекистон» қўшади.

Динга муносабатининг ўзгарини ҳам хорижада истиқомат қилувчи ватандошлар билан ҳамкорлик, қавм-қариндошлик алоқаларига ижтимоий таъсир этиши мисоллар билан кўрсатилган.

Китобда айрим жузъий камчиликлар ҳам бор. Масалан, муаллифлар Давлат ҳавфислик қўмитаси ҳужжатларида сақланган, материаллардан фойдаланишганда ноҳақ қоралangan кўп-лаб ватандошларимиз қисмати ўз ҳолиси баҳосини олган бўларди. Яна, бизнингча, рисолада бугунги кунда янгидан баҳо берилаётган, «босмачилик» ҳаракати деб ном олган воқеага муаллифлар кўпроқ тўғрисида, унга ўзларининг муносабатларини билдиришганда ва хорижага кетиб қолган босмачилик ҳаракати раҳбарлари, иштирокчилари қисмати ҳақида маълумотлар келтирилганда жуда фойдали иш бўлур эди. Чунки муаллифлар тўғри таъкидлаганларидек, ватандошларимиз хорижага кетишининг жуда катта тўғриси айна шу даврда, 20-30-йилларда рўй берганлиги ва бу нарса «босмачилик» ёки ҳозирда айтилаётганидек миллий-озодлик ҳаракати билан шубҳасиз боғлиқдир.

«Хориждаги ўзбеклар» китоби жуда катта масала — ер юзига сочилиб кетган ватандошларимиз қисматини ҳолисона баҳолаш йўлидаги илк асар. Бу соҳадаги очилмаган қўриқни ўзлаштириш йўлидаги дастлабки қадамлардан бири десак, хато бўлма. Муаллифлар тарихий мизининг ҳали ёзилмаган саҳифаларини тўлдиршига ҳаракат қилишгани, уни ўқиганлар қимматли маълумотлар олиши, фойдали хулосалар чиқариши шубҳасиздир.

Рустамбек Ҳожи ШАМСУТДИН ўғли, Андижон Давлат дорилфунун профессори, Баҳодир СИДДИҚОВ, Эргашали ЭРКАЕВ, шу университет ўқитувчилари.

ТАЪСИС АНЖУМАНИ

«Ватан тараққиёти» партиясининг Тошкент шаҳар ва вилоят бўлимини таъсис этиш анжумани бўлди. Анжуманда мустақиллик шарофати билан республикамиз ҳаётида катта иқтисодий ўзгаришлар юз бераётгани таъкидланди. Мазкур партия тузилганидан буён ўтган қисқа вақт мобайнида унинг сафарига янги-янги кучлар келиб қўшилди. Улар орасида зиёлилар, ёшлар, тадбиркорлар ва аҳолининг бошқа тоифалари бор. Партия, республика, афғон фахрийлари иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш юритиб, ўлкада сиёсий барқарорлик ҳамда миллатлар-аро тотувликни мустаҳкамлашнинг ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билмоқда.

Ониқ овоз бериш йўли билан партиянинг Тошкент шаҳар ва вилоят бўлими марказий кенгаши аъзолари ва раиси сайланди. Анжуман Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримовга мурожаатнома қабул қилди.

Анжуманда «Ватан тараққиёти» партиясининг бош котиби Усмон Азим қатнашди. (ЎзА).

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

19 сентябрь кунин Самарқанднинг Регистон майдони байрамона тус олди. Бу ерда Отагон маданият жағмараси эълон қилган халқаро танлов ғолибларига мукофотларни топириш маросими бўлди. Жағмарга бош котиби Суҳба Осман маросимни очиб деб эълон қилган. Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмонов меҳмонлар Хоразмининг Урганч таширфлари билан қутлади. Сўнгра минбарга шаҳзода Отагон тақдир этилди. У ўз нутқида жағмаранинг бу галги мукофотини бутун дунёга машҳур Самарқанда, му-

сулмон оламининг бетақдор тарихий ўбдалари қад қўтарган шаҳарда топиришига мушарраф бўлганидан мамнулик изкор этди.

Яқинба кунин Самарқандаги ўзбек драма театри биносида танлов ғолиблари иштирокчида семинар ўтказилди. Душанба кунин эса шаҳзода Отагон бошлиқ мўтабар меҳмонлар Хоразмининг Урганч таширфлари билан қутлади. Сўнгра минбарга шаҳзода Отагон тақдир этилди. У ўз нутқида жағмаранинг бу галги мукофотини бутун дунёга машҳур Самарқанда, му-

ТОШКЕНТДАН ЎРИМЧИГА—

25 сентябрь кунин Тошкентдан Хитойнинг Шинжонг — Уйғур мухтор ноҳияси маркази — Ўримчи мунтазам темир йўл қатнови бошланади. Ҳар ҳафта жума кунлари республика пойтахтининг Марказий вокзалидан йўловчиларни тўпатуғри Хитой Халқ Республикасига олиб борадиган иккита вагон йўлга чиқади.

Республикамизнинг минглаб аҳолиси бу воқеани ортиқча кутган эди. Чунки Шинжонг — Уйғур мухтор ноҳиясида кўпгина ўзбекистонликларнинг қариндошлари ва дўстлари яшайдилар. Савдо-сотиқнинг ва саяҳатчиликнинг кенг миқёсда ривожланиши ҳам қўшма-қўш ишбилармонлар ва сайёҳларнинг Ўримчига боришига қизиқтиради.

Нума кунлари вагонлар Москва вақти билан 8.45 минутда жўнади. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг фуқаролари учун чипта ҳақи — 17,5 АҚШ доллари ва 2228 сўм, чет фуқаролари учун 22,5 доллар ва 1728 сўм. Вагонлар Олмаота орқали ўтади. (ЎзА мухбири).

«ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН»

ОДИМЛАРИ

БУГУНГИ мураккаб даврда халқимизнинг оғир кунга ярайдиган неки тадбир, неки янгилик бўлса, бариси эл-юрт томонидан катта ҳайратхоҳлик билан қарши олинмоқда.

«Қорақалпоғистон» тижоратчилик қиларши уюшмаси яқиндаги ташкил этилган. Натижада «Қорақалпоғистон» катта турдаги халқ истеъмол моллари, симтўрлар, сабаот махсулотларини ташви учун ихчам ва кўлай ёғон шик-пель, мебель буюмлари, стоил-лар ва бежирми хонтахталар ишлаб чиқарилади. Фуқароларнинг ва ташкилотларнинг буюртмалари асосида иморатлар қуриб берилади ва ремонт ишлари бажарилади. Қишлоқ хўжалик махсулотларидан кунжук, кунжара ва лори қайта ишланиб, аҳолига сотилади. Темир-бетон буюмлари, иморатлар пойдевори учун блоклар тайёрланади. Айниқса, уюшмада асфальт ишлаб чиқариш цехи ташкил этилган, айна мудафо бўлди.

Уюшмага ёш, гайратли ва тадбиркор йигит Собир Ибодуллаев раҳбар қилиб тайинланди. Унинг ташаббуси туфайли Мангит шаҳри марказида миллий таомлар ошонаси, йилга беш миллион тонна гишт ишлаб чиқариш қувватига эга завод, тикувчилик цехи, лазер нури билан деволончи профиллаштириш масканлари ишга туширилди.

Уюшма аъзоларининг бошқа жумҳуриялардан бартўр усулида аҳоли учун энг зарур бўлган қурилиш ишларини келтириб, арзон баҳода сотишлари уларга ҳам мўъйин, ҳам маънавий фойда келтирмоқда.

Қиска фурақат ичиде 15 ярм миллион сўмлик хизмат кўрсатилади, 98 миң сўмлик наф қўрилади. Жумладан, олти ой мобайнида 33 миң сўмлик симтўрлар ишлаб чиқарилади ва аҳолига арзон баҳода сотилади. 72 миң сўмлик мебель буюмлари тайёрланади. Бунда Гулмирза Примбетов, Давлатбой Эшнўзов, Нemat Эрматов, Тўрабой Қодиров, Максуд Қодиров, Аҳмад Умаровдор сингари уюшма аъзоларининг хизмати катта.

Кунин кеча уюшма фаолиятида яна бир янгилик рўй берди: шаҳарда эндемик ташкил қилиниб, хонадорларга кабель орқали телекўрсатувлар намойиш этила бошлади. Мансур АХМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Акс садо

УЙҒОННИНГ, УРТОҚ ПРОКУРОРИ

Ҳай-хай, нуфузли қонуношуносни, қимсан Деҳқонobod тумани прокурори, адлия масалаҳатчиси Сафар Каттабоев тарихимизнинг қомеъ нуқталаридан беҳабарлиги, сиёсий гўрғини иштини ажаблантиради. Қарағач П. Гадовнинг мўтабар рўзномасида «Халқ сўзи»да бошланган «Иқтидорлик тикланмоқда» руни остида «Будёнийий Қашқадарьдан кетди» сарлавҳали мақоладаги ҳақ гаплар прокурор жанобларига ёқмай қолди. У ўзининг мазкур рўзноманинг шу йил 29 август сониде эълон қилгани «Будёнийий нечта?» сарлавҳали мақолада бунинг ошкор этган. Унда баён этилишича, рўзноманинг ўз мухбири П. Гадов ўзинча тарих тўғри «Будёнийийнинг гўрига гишт қалаган» эмис. «Миллатлараро муносабатлар нозик бўлиб турган» бир пайтда қалтис қадам ташлаган эмис. Аттган, деб ёча ушлайсан киний Аммо ўтмиш қатагонларидан, тарихимизнинг «оқ доғ»ларидан хабарсиз кимсада бунга чипрачини ишоннади.

Мен журналистман. «Қашқадарь ҳақиқати» рўзномасида 30 йилдан кўпроқ ишладим. Лекин шу давр мобайнида бунақанг антиқа раддияга, тўғриси алаҳиша рашга биринчи бор дў келишим. Мухтарам прокурор ўзининг мақоласига «Будёнийий нечта?» деб сарлавҳа қўйган. У билмаса билиб қўйсин: Будёнийий битта. У Қизил империянинг Туркистон боилкларини ташага қўйилган юлчи қўли эди. П. Гадов айтганидай мингмиглаб кишиларнинг ёстигини қуритган, шаҳар ва қишлоқларимизни хонавайрон қилишга раҳнамо бўлган.

қўй терисини ёпинган бўрилардан бири эди. Сиз яна шунинг ҳам жиғибойрон бўлиб уқтирасизки, Будёнийий Туркистонда бўлмаган эмис. Билмасангиз билиб олинг, у Қаршида ҳам, Термизда ҳам, Токистонда ҳам бўлган. Бу ўлкаларда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун ададсиз хурезликларнинг бошида турган, раббатлангирган. Ушбу фикрларимга заррача шубҳангиз бўлса, А. Золототрубовнинг «Будёнийий» номли 1983 йилда нашр этилган китобини бир арақлаб чиқинг. Ёки «Аргументи ва факти» ҳафтаомасининг шу йилги 19-сонига бир назар ташланг. Унда «Будёнийий қон кочек» («Будёнийий от устиде») сарлавҳали мақола бор. Мақола муаллифи аниқ далилларга асосланиб, уни ўғри ва талончи деб атайдди. Сиз эса ўғрини ўрис «босмачи»ларга қарши курашган кимса сифатида ардоқлайсиз. Ҳай-хай, савод шучалик ҳам бўладими?

Сиз айтидган эсики, уадаси чиққан, умрини тутган тузумини кўрсатганга ўшайсиз. Аслида бу тузум ҳеч кимга яхшилик келтирган эмас. Бу тузумнинг жабор жафоларини ҳаммадан кўпроқ рус халқи тортиди. Шу сабабдан ҳам рус халқи озодлик, эркинлик учун курашда бақамти турди. Биринчи бўлиб майдонга чиқди ва бошқаларини ҳам шунга даъват этди.

Энди «СССР тугади, юбилейлар қолдими?» сарлавҳали мақола хусусида ороқ тўхталамиз. Аввало вилоятимизда «СССР прокуратурасининг 70 йиллиги кенг нишонланганлиги жамоатчилик ажаблантирган эди. Дарҳақиқат, ушбу санаи тантанали ўтказиш шартиди? Ахир бу, Президентнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, республика-деб тарбияланганидан ўзим билган гапларни айтмоқчиман. — деб ёзади муаллиф. — Чунки узоқ йиллар мобайнида у кишининг қўлул дарҳида илаб, қай йўсинга ишлаганини, одамларга нисбатан қандай муносабатда бўлганини билар эдим».

ган айна пайтда омманни чалғитиш яхши оқибатларга олиб келмайди. Бусиз ҳам ошиб-тошиб ётган чалашликлар, муаммолар етиб ортади.

Рўзномада Яқкабоғ районидеги Будёнийий номи билан юритилиб келинган хўжаликнинг жамоатчилик талаби билан «Хисор» деб аталган мухбир фуқаролар уруши саркардаларидан Будёнийий шахсига нисбатан ўз фикр-мулоҳазаларини билди-

ри. С. Каттабоев эса унга қарши чиқади, ҳатто мухбирини миллатчиликда айбонлашга ҳақ деб боради. «Будёнийий Туркистонда бўлмаган, босмачиларга қарши курашманган», — дейди. «Шахсан мен, — деб ёзади у, — Будёнийийнинг Туркистонда жанг қилганини бирон-бир китобдан тополмадим. У ўзларидан чиққан босмачиларга, яъни Л. Г. Корнилов ва бошқаларга қарши курашган, бизга эмас».

Адлия масалаҳатчисининг ўзинча тарих тўғригани ва бунинг қўпчилигига маъқуллаштириш истаги таажжубга сазовор. Будёнийий, ўлкаимизда унинг қирғинбарот урушлари учун Қизил Байроқ ордени билан сийланганлигини С. Каттабоев билмаса ҳам қўпчилик билади.

Қариларининг гувоҳлик беришича, Будёнийий отряди

Уз тарихимизни билмасдан туриб, келажакимизни тўғри ташкил этишни тасаввур этиш қийин. Ёшларга тарихимиздан, боболаримизнинг бой меросидан фойдаланиш ҳис-туйғуларини сингдиришдан қўпчилигимиз ўсики, елкамиз қисқиб бўлиб қолаверса, мутелик, бировларга қарамликдан қутула олмаيمиз. Афтидан, айрим кимсалар истиқлолимизнинг ана шу қирғинларини тушуниши ихчам, эски удулмарга маҳкам ёпишиб олган қўринадилар.

Америкалик иқтисодчи Оливер Нобель мукофоти соҳиби Василлий Леонтьев совет жамятининг энгирган нарча халқ хўжалигига билиб-билмай раҳбарлик қилинган деб, қайта-қайта ўқтиради. Партия топириш пардаси ортнда ҳатто қушқона бошлигининг театрга, дидорентликка юборилганини, шаҳарлик чилангарнинг партия йўлнамаси билан пахшидан қўлга олиниши, ташкилотнинг раёкомга қотиб эди тайинланганлигини билдирди. Улар ўзлари бошқарган соҳадан мутлақо беҳабар бўлишган.

«Будёнийий нечта?» («Халқ сўзи» 1992 йил, 29 август)

ҚУМСАШ

ЧЕТДАН қараганда мақола муаллифи Сафар Каттабоев газетда чоп этилган мақолаларга ўз муносабатини билдириб, фаолият кўрсатгандек туюлади. Қолаверса, ошкоралик, демократия шариоатида фикрлар, қарашлар хилма-хиллигини таъкидлаш лозим. Лекин, муаллифининг тарихни билмасдан, ҳатто тушунамасдан қўпчилигини чалғитиш мақсадида ҳўлағина уринганлиги, тикланаётган кадрларнинг тарихини билма-билма камситиб қўйганлиги, собик СССР прокуратурасининг 70 йиллиги Қашқадарьда тантанали нишонланаётганлигини зўр бериб ёқлаганини ушбу мақолада йўллага мажбур қилди. Зеро, мустақиллигимиз энди тетапон бўлгани, ёрқин йўлга тушиб ол-

лар йўлбошчиси» деб атайди. Инқилоб душманларидан А. И. Деникин Будёнийийни «ёсуви жаллод» деб таърифлайди. Лекин, негари уларни ҳеч ким миллатчиликда айбонламайди. Мақола муаллифи В. Владимировнинг ишончили манбаларга асосланиб ёзишича Ленин унинг кўрсатмаси билан Будёнийий армияси Поляша фронтига йўналтирилди. Унга армияни поезда олиб бориш тақдир этилди. Лекин, у йўл-йўлақай қишлоқларни хонавайрон қилиб, деҳқоннинг галласини тортиб олиш билан сафарини давом эттирди. Унинг бу хурезликларини ҳам Қизил Байроқ ордени билан тақдирланади. Кубань ва Россиянинг Қора тупроқ қисмидаги ҳарбий юришларда Будёнийий армияси тула ўзининг таъминлашга ўтади.

Бошқача қилиб айтганда, аҳолининг дон-дунини, чорчасини, кийим-бошини тортиб олиш, талончилик билан шугулланади. У раҳбарлик қилган армия ўлкаимизда бўлганда ўз-ўзини таъминлаш билан шугулланмаганига ким қарилдик беради? «Аргументи ва факти» ҳафтаомасида Будёнийий ҳақида йирик мақола чоп этилган. Унда таъкидлашча, Октябрь инқилоби дохийларидан бири Л. Троцкий Будёнийийга ҳаққоний баҳо берган экан. У Будёнийий корпусини «қароқчилик тўдаси», унинг қўмондонини эса «қароқчи-

лар йўлбошчиси» деб атайди. Инқилоб душманларидан А. И. Деникин Будёнийийни «ёсуви жаллод» деб таърифлайди. Лекин, негари уларни ҳеч ким миллатчиликда айбонламайди. Мақола муаллифи В. Владимировнинг ишончили манбаларга асосланиб ёзишича Ленин унинг кўрсатмаси билан Будёнийий армияси Поляша фронтига йўналтирилди. Унга армияни поезда олиб бориш тақдир этилди. Лекин, у йўл-йўлақай қишлоқларни хонавайрон қилиб, деҳқоннинг галласини тортиб олиш билан сафарини давом эттирди. Унинг бу хурезликларини ҳам Қизил Байроқ ордени билан тақдирланади. Кубань ва Россиянинг Қора тупроқ қисмидаги ҳарбий юришларда Будёнийий армияси тула ўзининг таъминлашга ўтади.

Бошқача қилиб айтганда, аҳолининг дон-дунини, чорчасини, кийим-бошини тортиб олиш, талончилик билан шугулланади. У раҳбарлик қилган армия ўлкаимизда бўлганда ўз-ўзини таъминлаш билан шугулланмаганига ким қарилдик беради? «Аргументи ва факти» ҳафтаомасида Будёнийий ҳақида йирик мақола чоп этилган. Унда таъкидлашча, Октябрь инқилоби дохийларидан бири Л. Троцкий Будёнийийга ҳаққоний баҳо берган экан. У Будёнийий корпусини «қароқчилик тўдаси», унинг қўмондонини эса «қароқчи-

лар йўлбошчиси» деб атайди. Инқилоб душманларидан А. И. Деникин Будёнийийни «ёсуви жаллод» деб таърифлайди. Лекин, негари уларни ҳеч ким миллатчиликда айбонламайди. Мақола муаллифи В. Владимировнинг ишончили манбаларга асосланиб ёзишича Ленин унинг кўрсатмаси билан Будёнийий армияси Поляша фронтига йўналтирилди. Унга армияни поезда олиб бориш тақдир этилди. Лекин, у йўл-йўлақай қишлоқларни хонавайрон қилиб, деҳқоннинг галласини тортиб олиш билан сафарини давом эттирди. Унинг бу хурезликларини ҳам Қизил Байроқ ордени билан тақдирланади. Кубань ва Россиянинг Қора тупроқ қисмидаги ҳарбий юришларда Будёнийий армияси тула ўзининг таъминлашга ўтади.

МУКОФОТЛАР ТОПИРИЛДИ

Кунин кеча Тошкент вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан кўп йиллик ҳалол меҳнати, республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат турмушида фаол иштирок этганликлари учун «Хизмат қўлаган қишлоқ хўжалик қўрашчилари» «Хизмат кўрсатган ирригатор», «Хизмат кўрсатган иқтисодчи», «Хизмат кўрсатган пахтакор» деган унвонларга мушарраф бўлган бир гуруҳ ишлаб чиқариш илгорларига мукофотлар топирилди. Маросимда юқорда қайд этилганлардан ташқари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мурабийи» ва «Ўзбекистон Республикасининг фахрий ёрқиларини олишга мувофақ» бўлганлар ҳам бор.

Мукофотланганлар орасида вилоятнинг ҳамма туманлари вакиллари, жумладан, Оқдўғрондаги «Оқдўғрон» давлат хўжалигининг бригадаси бошлиғи А. Крутов, Охангарондаги «Охангарон» давлат хўжалиги бош қўмондони Р. Исқуллов, Бекobodдаги «Улуғзор» давлат хўжалиги директори У. Исаёев,

ШАРОФ РАШИДОВНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА УКАНИНГ ТЎЁНАСИ

АДАБИЕТШУНОС ОЛИМ ВА ТАРЖИМОН АСИЛ РАШИДОВНИНГ «ФАЙ» НАШРИЯТИДА ЧОП ЭТИЛГАН «АКАМ ҲАҚИДА» НОМЛИ РИСОЛАСИ Ш. Р. РАШИДОВНИНГ ПОРЛОҚ ХОТИРАСИГА, ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА ВАГИШЛАНГАН.

Китобчининг «Адоват амас, адоват энгади», «Меҳнат қилган — элда азиз», «Яхши сўз — жон озиғ», «Ҳасад эмас, ҳавас қилиб яшанг!», «Гулмон имондан айирар», «Элга эл қўшилса давлат» деб сарлавҳаланган бўлимларида ҳаётини лавҳалаб қаламга олинди. Келатган маълумотлар, фикр-мулоҳазалар табиийлиги, ҳақиқатга яқинлиги ва самимийлиги билан ажралди турди. «Мен акамнинг укаси» бўлганим учун эмас, балки оқини оқ, қорани қора

Албатта, Шароф Рашидов ҳақида ҳали турли нуқта назарларни ифодаловчи, фаолиятнинг ранг-баранг қирраларини ёритувчи ўнлаб асарлар яратилди. Улар қанча кўп ва сермазмун бўлса, шунча яхши, «Акам ҳақида» «Шарофнома»нинг дастлабкиларидан бўлди ва муҳлислар хўрматли муаллифдан умумий мушоҳадаларини янада чуқурлаштириб, янги-янги тафсилотлар билан бойитиб, мўъжаз рисолада мукаммал эсдалик китобига, толеи замонининг қора зулматини ёриб чиққан улуг инсон ҳақидаги ҳақ сўзга айланганини умид қиладилар.

Х. САТТОРИ.

ТАРИХ—ХАЛҚ МУЛКИ

ЭЪЛОНЛАР

Яқинда Амир Темур маърифий жамияти ташкил этилиб, қурултойи бўлиб ўтди. Унда кўна Туркистонимизнинг бой тарихи ва юксак маданияти, шунингдек, жаҳон тарихида муҳим ўрни эгаллаган Аҳмад Фаробий, Мухаммад Мусо Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Мухаммад Бобур, Султон Хусайн Бойқаро, Алишер Навоий каби буюк даҳолар маданий-маънавий ва тарихий меросини ўрганиш масалалари муҳофизат қилинди.

Шу муносабат билан муҳим биримиз жамият президенти, таниқли тарихчи олим Бўрибой Аҳмедов билан ушбу ташкилот олдига қўйган мақсадлари, келажак ишлари ҳақида суҳбатланди.



— Бўрибой ана, аввало Амир Темур жамияти номи билан юртидаги уюшманинг асосий гоёси, қилмак ишлари тўғрисида сўз юртчанми?
— Бу жамият ўзбек халқи тарихи билан қияшувчи ҳамда уни тарихий асосларга кийинилари бирлаштирилади ва ўз фаолиятини тўла ҳўналлик ҳисобида юртиб, ўз-ўзини маънавий таъминловчи, саъий-ҳаракатларни ўзбекистон Республикасини Конституцияси ҳамда амалда қонунлар ва жамият илоҳоти низомига мувофиқ тарзда амалга оширувчи жамоат бириктирилади.

ги нарийёт фаолиятини йўлга қўйиб, китоблар, рисолалар, буклетлар, плакатлар, таъвим ва бошқа матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришди. Ўрта ва олий мактаблар учун дарслик ва қўлланмалар, хрестоматияларни ёздириб берди. Бундан ташқари, қадимий обидаларни таъмирлаш мақсадида янги ишлаб чиқариш корхонаси, сантгарошлик, ёғоч ўймакорлиги, ҳаттолик ва саҳнобонлик, мусаввирлик, кулолчилик, зардўзлик, уй-рўзгор ва зебин зинаат буюмлари, қоғоз ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа турдаги цех ва кичик корхоналар очиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйганми. Улар ишлаб чиқариш фаолиятини кооперативлар, хорижий фирмалар, чет эллик олимлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этади.


Жамиятимиз маблаг қўлайга, Шахрисабз, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлардаги Темур ва Темурийлар даврига оид қадимий ёдгорликларни таъмирлаш, Оқсаройни қайтадан тиклаш ишлари бошлаб юборилди. Ва тикланган Оқсаройда Амир Темур музейи ташкил этилади.



30 сентябрда Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоиизли ички ютуқли заёмнинг иккинчи тиражи ўйналади!
Заём облигацияларини сотиб олишга шўшилинг. Эҳтимол, 250000 сўмлик энг катта ютуқ Сизга чиқиб қолар.
Заём облигациялари Жамгарма банки, Агросаноат банки, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки муассасаларида эркин сотилмоқда ва сотиб олинмоқда.

Республика заёми облигацияларини сотиб олиш билан Сиз республика мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!
Урганч шаҳридаги тираж ўйинида қатнашишга таклиф этамиз.



ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ
савдо ташкилотларига янги ишлаб чиқарилган маҳсулотни таклиф этади.

ОРИГИНАЛ КОНСТРУКЦИЯДА ИШЛАНГАН, ПАТЕНТЛАНГАН ЧИҚАРГИЧ.
Унинг ёрдамида автомобиль гилдирагидан шина бортларини тез ва осон чиқариб олиш мумкин. Автосервис бўлмаган чекка жойларда чиқаргич жуда қўл келади, чунки у содда ва қўлай ишланган.
Автомобиль эгалари чиқаргични заводнинг магазин-салонидан устама нарҳларсиз сотиб олишлари мумкин. Ваҳоси 110 сўм атрофида.
Манзилмиз: 700057, Тошкент шаҳри, Усто Ширин кўчаси, 117. (26, 43, 50, 82-93-автобусларнинг, 7 ва 10-троллейбусларнинг «Компрессор заводи», «Жомий майдон» бекатлари).
Телефонлар: 48-03-61, 48-69-16.



Мустақил одимлар... Т. МАҲКАМ олган сурат.

ПАХЛАВОН ЮРТИДА ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШДИ

ПАХЛАВОН МАҲМУД — Бухорода услубда курашувчи полвонлар лири. Айни пайтда у чучур фаърий, инсонпарварлик, ватанпарварлик соҳаларини дин ва имонни улғуловчи шўрлари, газаллари билан «Ўрта Осиёдан ташқари Хиндистон, Эрон, Арабистонда ҳам маълум ва машҳурдир. Пахлавон туғилиб ўсган қадимий Хивада ҳар йили кузда унинг хотираси ёд этилиб, воқеа полвонлар беллашуви ўтказилади. Шаҳар марказида ўтказилган бу йилги турнирда Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистондан 250 га яқин номдор курашчи қатнашди.

Турнир ғолиблари учун Пахлавон Маҳмуд сиймоси, қадимий Хива обидалари акс этган чиройли гилемлар, вимпеллар, эсдалик буюмлари, либослар тайёрланди. Воҳадаги турли миллат жамоалари, фуқаролар мусобақа жамғармасига қарийб бир миллион сўм маблаг ҳада этдилар.

Мусобақалар қизгин ва эҳтиросли беллашувларга бой бўлди. 60 килограммдан 160 килограммгача вазнлар орасида хоразмлик Санъат Одамбоев, Матназар Рўзиматов, Алишер Йўлдошев, Раззоқ Болтаев, Даврон Қаландаров, қашқадарёлик Баҳром Авазов чемпион номига сазовор бўлишди. Бухоролик Нурмухаммад Юсупов, хоразмлик Рустам Матрасулов, Амин Маткаримов, Рафкат Шаҳмаев, Саъдулла Қўриёзов, Хожикбой Хусанов, Отаназар Худойкулов, Аҳмад Матқонов 35 ёшдан 75 ёшгача бўлган полвонлар баҳсида ғолиб чиқиб, фахрий соврин — Пахлавон Маҳмуд сиймоси туширилган Хива гилемларини қўлга киритдилар.

Мутлоқ биринчилик баҳсларида 21 полвон қатнашди. Ҳакамлар ҳайъати Хонқа туманидан спорт устаси Даврон Қаландаровни турнирнинг мутлоқ чемпиони деб топилди. Спорт устаси, шу йил «Бад соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишланган Шаҳрисабзда ўтказилган мусобақанинг мутлоқ чемпиони, Ўзбекистон Президенти совринининг соҳиби қашқадарёлик Абдуқодир Пирматов иккинчи,

А. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХАЙРИЯ ЛОТЕРЕЯСИ

Ўзбекистон ноғиронлар жамияти ташкил этган хайрия лотереяси «Спирит-меҳрибонлик» деб юритилади. Ўзбекистон Ешлар Иттифонининг Тошкент шаҳар комитети икки миллионга лотерея билетларини босиб чиқариш ва тарқатишни ўз зиммасига олди.
Ҳар бир киши омадини синаб кўриши мумкин: ютуқлар оддий лотереядангина ўн

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО
ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64808. Вуэртма Г—187.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳўзуридаги
Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖУРАБОВ.
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Карим БАҲРИЕВ, Эсирған БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қўламад РИЗОВ, Эркин САМАНДАР, Азиз СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Мухтарома УЛУГОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Рамис ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯХЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Сандақдор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.
● Таҳриратга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга жўма жавоб қайтарилмайди.